

Инсон ва қонун

2021 йил 5 октябрь
сешанба
№ 40 (1296)

hudud24
Endi 24 soat siz bilan

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz



МАҲСУЛОТ ЁҚАДИ,
ТЎЛОВИ-ЧИ? 4-БЕТ

ҚОНУНИ МЕНСИМАГАН
ТАДБИРКОРЛАР 6-БЕТ

ДУЎНИНГ ЭНГ МАШҲУР
КУТУБХОНАЛАРИ 8-БЕТ



КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

ШУ кунларда юртимизда муҳим сиёсий тадбир — Президент сайловиغا тайёргарлик жараёни қизгин паллага кирди.

Ўзбекистон Президенти сайловиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт асосида ишлаб чиқилган бир неча халқаро ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Бу ҳужжатлар умумлаштирилиб, Халқаро сайлов стандартлари деб аталади. Унда белгиланган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, хусусан, Сайлов кодексига имплементация қилинган мамлакатимиз сайлов қонунчилиги барча демократик тамойилларга мос келишининг яққол далилидир. Умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри ва яширлилик тамойилларига қай даражада амал қилинаётгани сайловни кузатиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топган.

2-БЕТ

БЮРОКРАТИЯ: ҚОҒОЗБОЗЛИК ИЛЛАТМИ?

КЕЙИНГИ пайтларда оташин шоир Владимир Маяковскийнинг куйидаги машҳур сатрлари тез-тез ёдимизга тушадиган бўлиб қолди:

"Бўридай ғажирдим бюрократизмни,
Ҳар хил мандатларга йўқ менда ихлос.
Қоғозбозликни йўқ кўргали кўзим,
Қуриб кетмайдими, ҳар қандай қоғоз..."

Қоғозбозликни ёмон кўраемиз. Бюрократияга тоқатимиз йўқ. Аммо... бюрократлар билан ёнма-ёнмиз. Қоғозбозликка тобемиз. Чунки ишимизни битиришимиз учун уларнинг юзига "оёқ боса олмаймиз"... Ҳамма бало ана шунда!



5-БЕТ

ҚАЙСИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗ БЕРИШИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Эндиликда сиз уйдан чиқмаган ҳолда, сайлов участкангизни "Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш" бўйича куйидаги манзилдан — <https://saylov.uz/uz/faq/user-polling-station> билиб олишингиз, зарур бўлса, ўзгартиришингиз мумкин.



QR-КОДЛАРНИ СКАНЕРЛАГАН ВА ЎЗ САЙЛОВ УЧАСТКАНГИЗНИ АНИҚЛАГАН



my.gov.uz



saylov.uz

2-БЕТ

ЭНДИ САЙЛОВЧИЛАР
РЎЙХАТИГА АНИҚЛИК
КИРИТИБ,
ХАТО МАЪЛУМОТЛАРНИ
ЎЗГАРТИРИШИНГИЗ
МУМКИН



2-БЕТ



ЖИЗЗАХ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ИНСОН ҚАДРИ БИР ПУЛ...МИ?

ШАРОФ Рашидов тумани, "Тиллакор" кўчаси, 18-уйда яшовчи фуқаро А.Насруллаев туман тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлимида навбатчи шифокор вазифасида ишлаган онаси Ҳафиза Саидованинг коронавирус инфекциясига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида вирус юқтириши оқибатида вафот этганлигини афсус билан баён этиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги унга тўланиши керак бўлган зарарни тўламаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

4-БЕТ

Жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига барча ҳудудларда пухта тайёргарлик кўрилмакда. Айни кунларда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг узоқ муддатли кузатувчилари юртимизга ташриф буюриб, ушбу сиёсий жараёнларга тайёргарлик ишлари билан танишмоқдалар.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ҚОРАҚАЛПОГИСТОНДАГИ САЙЛОВ ОКРУГИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ



Халқаро кузатувчиларнинг бир гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

Халқаро кузатувчилар Округ сайлов комиссияси раиси У.Жалменов билан учрашди. Кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ амалга ошириладиган ишлар ҳусусида маълумот берилди.

— Юртингиздаги сиёсий жараёнларни кузатиш учун ташриф буюрдик, — дейди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг узоқ муддатли кузатувчиси Якуб Херольд. — Биз, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб кузатишга келган 14 жамоанинг биримиз. Мана ҳозир 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси билан учрашиб, ушбу ҳудудда сайловларга тайёргарлик ишлари ҳақида маълумот олдик. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидан 250 нафарга яқин қисқа муддатли кузатувчилар ташриф буюриб, сайлов куни сиёсий жараёнларни кузатиш кутилмоқда.

Сайловларга тайёргарлик жараёнларини кузатиш учун Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларида бўлишни режалаштирармиз. Ҳозир сайлов участкалари жойлашган манзиллар ҳақида маълумотлар олдик. Имкон қадар олис ҳудудлардаги сайлов участкаларига ҳам бориб сиёсий жараёнларни кузатишга ҳаракат қиламиз. Икки кундан буюн Нукус шаҳридамиз, шаҳар жуда чиройли ва кўчалари кенг экан. Энди сайлов участкалари билан танишамиз.

Учрашувда кузатувчилар сайлов участкалари манзили ва чегаралари ҳамда комиссия аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам қизиқишди. Бу ҳақидаги маълумотлар сайлов қонунчилигига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг марказий ва маҳаллий нашрларида чоп қилинганлиги маълум қилинди ва газеталар билан таништирилди. Шунингдек, кузатувчилар участка сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодларни танлаш тартиби ва шу каби ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Келажак олдидаги МАСЪУЛИЯТ

ШУ кунларда юртимизда муҳим сиёсий тадбир — Президент сайловига тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирди.

Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт асосида ишлаб чиқилган бир неча халқаро ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Бу ҳужжатлар умумлаштирилиб, Халқаро сайлов стандартлари деб аталади. Унда белгиланган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуллари, хусусан, Сайлов кодексига имплементация қилинган мамлакатимиз сайлов қонунчилиги барча демократик тамойилларга мос келишининг яққол далилидир. Умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри ва яширинлик тамойилларига қай даражада амал қилинаётгани сайловни кузатиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топган. Сайлов жараёнларининг очиқлиги ва ошқоралиги эса, сайловчиларнинг тўғри танлови амалга ошишида муҳим роль ўйнайди.

Айни пайтда сайлов кампаниясининг муҳим босқичлари бошланмоқда. Бу, биринчи навбатда, сайлов ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг сайловчилар рўйхатида киритилгани ҳамда номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнлари билан аҳамиятлидир. Сайлов участкалари сайловчиларга қулайлик яратиб мақсадда хар томонлама шинама ва кўркам биноларга жойлаштирилди. Бунда кейинги йилларда бунёд этилган янги бино ва иншоотлар участка сайлов комиссиялари учун ажратилгани эътиборга молик.

Шунингдек, сайловчилар рўйхати ягона электрон рўйхатдан сайлов участкалари-

га босқичма-босқич тақсимланмоқда. Энг муҳими, бир сайловчи фақат битта рўйхатда бўлади. Бу, албатта, тенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, хизмат, таътил ёки ўқиш сабабли бошқа ҳудудда вақтинча истиқомат қилаётган сайловчиларни шу ҳудуддаги сайловчилар рўйхатига киритиш ишлари округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан назорат қилиб борилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва веб-сайтдан фойдаланиш қоидалари бугунги замонавий иш юритиш услублари асосида амалиётга киритилган.

Сайловолди ташвиқоти давомида сайловчиларга номзоднинг сайловолди дастурини таништиришнинг энг қулай усулларида фойдаланишга шароитлар яратилган. Сайловчи хоҳласа телевидение ёки радио орқали, хоҳласа тарғибот материаллари, баннерлар ва электрон таблолар орқали, бевосита номзод ёки унинг ишончли вакили билан учрашув орқали номзодлар ҳақида ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин бўлади. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган “Сайлов — 2021” мобил иловаси эса, сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов кампанияси тадбирлари ҳақида ахборотлар билан тўлдирилган. Бир сўз билан айтганда, сайловчи сайлов ҳақида маълумот олиши учун барча имкониятлар ниша солинган.



Баҳодир ЮНУСОВ,
 Марказий сайлов
 комиссияси аъзоси

Бўлажак сайловнинг аҳамияти ва ундаги жараёнлар ҳақида матбуот орқали узлуқсиз ахборот бериб борилмакда. Бу ҳақида сўз юритганда оммавий ахборот воситалари вакилларини Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказиш қизғин бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳозиргача ОАВнинг 907 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Бу, биринчи навбатда, сайлов жараёнининг ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлашда муҳим. Зеро, сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситалари тезкор, ҳозиржавоб ва ҳаққоний кузатувчи сифатида намоён бўлади.

Сайловнинг натижаси, албатта, сайловчининг электрал маданияти билан чамбарчарс боғлиқ. Бу ҳар бир сайловчи ўзининг сайлов участкасида шахсан овоз беришда иштирок этиши билан баҳоланади. Сайловчининг сайловда иштироки ихтиёрий. Яширин овоз беришда сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш қонунга хилоф саналади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлган Президент сайловини халқаро стандартлар ва умуминсоний тамойиллар асосида ўтказиш учун барча имкониятлар етарли. Ишончимиз қомилки, халқимиз баҳамжihat бўлиб сайловни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказишга ўз ҳиссасини қўшади. Бу сиёсий тадбир халқимизнинг жипслиги, Ватан тақдирига дахлдорлиги, келажак олдидаги масъулияти, янги Ўзбекистонни барпо этишда собитқадамлигининг яққол кўзусига айланади.

ЭНДИ САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИГА АНИКЛИК КИРИТИБ, ХАТО МАЪЛУМОТЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШИНГИЗ МУМКИН

МАМЛАКАТИМИЗ ва халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови арафасидамиз. Энди сиз фаол фуқаро сифатида сайловда иштирок этиш билан бир қаторда, сайловчилар рўйхатида аниқлик киритишга ҳам ўз ҳиссангизни қўшинишгиз мумкин.

Бунинг учун Ягона интерактив давлат хизматлари (my.gov.uz) порталида хонадонда рўйхатдан ўтган ёки ўтмаган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш имконини берувчи махсус хизмат ишга туширилди.

Агар сиз мазкур хизматдан фойдаланмоқчи бўлсангиз, “Яшаш жойида яшовчилар рўйхатини тўғрилатиш” (<https://my.gov.uz/uz/service/389>) рукнига кичиринг ва жорий кадастр рақами бўйича ҳудуд ҳамда туманни танланг.

Доимий рўйхатда истиқомат қилувчилар жадраларида кўрсатилган фуқароларни манзилдан ўчирмоқчи ёки ўрнига янги фуқарони қўшмоқчи бўлсангиз, маълумотларни тахрирлашингиз мумкин.

Тақдим этилган маълумотлар масъул мутахассислар томонидан текширилади ва бир иш кунинида тўғриланади.

ҚАЙСИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗ БЕРИШИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида сиз қайси сайлов участкасида овоз берасиз? Энди буни интерфаол хизматдан фойдаланган ҳолда аниқлашингиз мумкин.

Эндиликда сиз уйдан чиқмаган ҳолда, сайлов участкангизни “Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш” бўйича қуйидаги манзилдан — <https://saylov.uz/uz/faq/user-polling-station> билиб олишингиз, зарур бўлса, ўзгартиришингиз мумкин.

Мазкур хизмат Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали кўрсатилади.

Хизматдан фойдаланишда “Сайлов участкасини аниқлаш” рукнига биометрик паспорт ёки идентификация ID-картанинг серияси, рақами ҳамда тугилган санангизни киритасиз. Киритилган маълумотлар Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги маълумотлар билан мос келса, сизга сайлов участкаси ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

Агар Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги сайлов участкаси ҳақидаги маълумотлар сизнинг доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзилингизга тўғри келмаса, у ҳолда сиз махсус сўровномани тўлдириш орқали сайлов участкангизни ўзгартириш бўйича мурожаат юборишингиз мумкин бўлади. (<https://my.gov.uz/uz/service/492>)


Сайловчининг доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзили бўйича сайлов участкасини ўзгартириш ишлари мутахассислар томонидан бир иш кунинида кўриб чиқилади.



my.gov.uz



saylov.uz



МУДДАТИДАН ОЛДИН ПЕНСИЯГА ЧИҚА ОЛАМАНМИ?

— **ЭШИМ 58 да, ишлаётган корхонам тугатилганлиги сабабли ишсизман. Мен ёшга доир пенсияга муддатидан олдин чиқишим мумкинми?**

— Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасига асосан технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

- эркаклар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стажы камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.



ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚАЧОНГАЧА?

— **“Ҳайфсан” интизомий жазо олган ходимдан интизомий жазо қанча муддатда олиниши керак?**

— Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 183-моддасига асосан интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

— **Ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби қандай амалга оширилади?**

— Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 82-модда-

сига асосан ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади.

Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.



Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

— **Меҳнат шартномасини бекор қилиш учун огоҳлантириш бериш керакми?**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан Меҳнат шартномасини бекор қилишда куйидаги тартибда ёзма равишда огоҳлантириш берилиши лозим:



- меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан, шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини

олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда бекор қилинганда камида икки ой олдин;


- меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолайиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда камида икки ҳафта олдин.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Агар тиббий хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолайиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган огоҳлантириш берилмайди. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдоридан компенсация тўланади.

Огоҳлантириш муддати давомида, меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни истисно этганда, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилмайди. Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди. Меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.



ҲОДДАНИЛМАГАН ТАЪТИЛ УЧУН ҲАМ ПУЛ ТЎЛАНАДИМИ?

— **Ҳоддаланилмаган таътилни олиш тартиби қандай?**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 151-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга ҳоддаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.



ЁШ БОЛАЛИ АЁЛГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР

— **Менинг икки ёшга тўлмаган фарзандим бор. Иш жойимда бажараётган вазифам оғирлиги сабабли менга тўғри келмаяпти. Болам икки ёшга тўлган вақтга қадар бошқа ишга ўтиб ишлашим мумкинми?**

— Меҳнат кодексига мувофиқ икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.



Анора НАРЗИҚУЛОВА,
“Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти масъул ходими



8 ОЙДАН КЕЙИН ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚўЛЛАБ БўЛАДИМИ?

— **Ходим томонидан меҳнат интизоми бузилганлиги ордан 8 ой вақт ўтиб аниқланди. Унга интизомий жазо қўллаш мумкинми?**

— Ходимга ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан кейин интизомий жазо қўлланилмайди. Бундай ҳол молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, хатolik содир этилган кундан бошлаб 2 йил ўтгандан кейин жазони қўллаб бўлмайди.



ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

— **Ходим ўз розилиги билан иш вақтидан ташқари яна қанча вақт қўшимча ишлаши мумкин?**

— Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, ходим ўз розилиги билан иш вақтидан ташқари сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан (меҳнат шариоити оғир ва зарарли ишларда — 1 кунда 2 соатдан) ва йилга 120 соатдан ортиқ ишлаши мумкин эмас. Иш сменаси 12 соат бўлганда, шунингдек, меҳнат шариоити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга, ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам йўл қўйилмайди. Шунингдек, ходимни сурункасига 2 смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.



ИШ ҲАҚИМИНИНГ 50 ФОИЗИ АЛИМЕНТГА УШЛАБ ҚОЛИНИШИ ТЎҒРИМИ?

— **Мен 3 нафар волга етмаган фарзандимга ойлик иш ҳақимнинг 50 фоизи миқдоридан олиман. Менга иш берувчи томонидан ўртача ойлик иш ҳақимнинг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириш бўйича интизомий жазо қўлланилган. Лекин қонунчиликда иш ҳақимнинг 50 фоизидан ортиғи ушлаб қолиниши мумкин эмаслиги белгиланган. Иш берувчининг бу ҳаракатлари қонунийми?**

— Иш берувчининг ҳаракатлари қонуний. Чунки Меҳнат кодексининг 164-моддаси тўртинчи қисмида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ундиришда ахлоқ тузаатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан 70 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда ушлаб қолиниши мумкинлиги белгиланган.



ЖИЗЗАХ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ИНСОН ҚАДРИ бир пул...ми?

ШАРОФ Рашидов тумани, "Тиллакор" кўчаси, 18-уйда яшовчи фуқаро А.Насруллаев туман тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлимида навбатчи шифокор вазифасида ишлаган онаси Ҳафиза Саидованинг коронавирус инфекциясига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида вирус юктириши оқибатида вафот этганлигини афсус билан баён этиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги унга тўлалиши керак бўлган зарарни тўламаётганлигини норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида Ҳ.Саидова ҳақиқатан ҳам пандемия даврида — 2020 йилнинг июнь, июль ойларида тез ёрдам бўлимига туман аҳолиси томонидан берилган чакирикларга кўра хонадонларга бориб, беморларга тиббий ёрдам кўрсатган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги махсус буйруғи талаблари асосида иш фаолиятини амалга оширган.

Бундан ташқари, Жиззах вилояти санитария-эпидемиологик ошо-йишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг 2021 йил 15 мартдаги ҳулосасида Ҳ.Саидованинг коронавирусга чалинган беморлар В.Эшматов, А.Аҳмедов, М.Мамаражабова, Г.Пардаева, М.Норбекова, Ж.Муллажонов, М.Жамолова, Д.Умурзоков, Д.Лагитов, И.Эргашев, Ф.Носирова, Б.Солиев, П.Солиеваларга тез тиббий ёрдам кўрсатганлиги ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, 2020 йил 25 ноябрда туман санитария-эпидемиология ошо-йишталик ва жамоат саломатлиги бўлими томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан худди шу мазмунда далолатнома

ҳам расмийлаштирилган.

Афсуски, Ҳ.Саидова коронавирус инфекциясидан зарарланган беморларга ёрдам кўрсатганлиги ҳамда касалликни юктириши оқибатида вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳулосалар мавжуд бўлса-да, Соғлиқни сақлаш вазирлиги касалликдан зарар кўрганларга бир йўла берилмаган тўлов тез тиббий ёрдам бўлимида фаолият юритган ходимларга нисбатан татбиқи этилиши кўзда тутилмаганлиги баҳона қилиб, тегишли тўловни амалга оширмаган.

Меҳнат кодексининг 189-моддасида ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлик ҳажмда тўлаши шартлиги кўрсатилган.

Президентимизнинг 2020 йил 26 мартдаги "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлаш-

га оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори иловасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юктириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда тиббиёт ходимлари ёки уларнинг оила аъзоларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори 250 миллион сўм этиб белгиланган.

Марҳуманинг ўғли фуқаро А.Насруллаев бир неча бор Соғлиқни сақлаш вазирлиғига ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилишга қарамасдан, мутасаддилар тўловни тўлашдан бош тортиб келган.

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига жавобгарлар — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигидан фуқаро А.Насруллаев фойдасига 250 миллион сўм бир йўла тўланадиган тўловни ундиришни сўраб давво аризаси киритилди ва давво қаноатлантирилди.

Илғоржон РАШИДОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

СИРДАРЁ

МАҲСУЛОТ ЁҚАДИ, ТЎЛОВИЧИ?



"GOLD Sand Industriya" масъулияти чекланган жамияти ва "Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш" унитар корхонаси раҳбарлари ўртасида шартнома тузилган бўлиб, унга мувофиқ "Gold Sand Industriya" МЧЖ қурилиш материаллини белгиланган миқдорда тайёрлаб етказиб бериши, унитар корхона эса маҳсулотни қабул қилиши ва тўловни амалга ошириши лозим эди.

"Gold Sand Industriya" МЧЖ томонидан шартнома шартлари бажарилиб, жами 40 миллион 464 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Бироқ унитар корхона томонидан шартнома шартлари бузилиб, 35 миллион 464 минг сўм миқдоридagi тўлов тўлаб берилмади. МЧЖ томонидан бир неча бор қарздорликни қоплаш тўғрисида мурожаат қилинишига қарамасдан, қарздорлик қопланмади.

Масъулияти чекланган жамият раҳбари Ж.Аъзамов "Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш" унитар корхонасидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида ушбу қарздорлик мавжудлиги "Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш" унитар корхонаси ўртасида тузилган солиштирма далолатномада ҳам ўз тасдиғини топди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан тадбиркор манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига давво аризаси киритилди. Суднинг қарори билан тадбиркор фойдасига 36 миллион 483 минг 600 сўм ундириш белгиланди.

Содиқжон ҲАМРОЕВ,
Сирдарё туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

КОРАҚАЛПОҒИСТОН

БЕРУНИЙ туман тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилаётган 47 нафар шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари коронавирус инфекцияси билан тўғридан ҳамда касалланган беморларни даволаш учун жалб қилинган ва кунига 12 соатлик иш режимида ишлаган. Бироқ уларга 8 соат иш режими бўйича махсус рағбатлантириш тўлови ҳисобланган. Бундан норози бўлган тиббиёт ходимлари туман адлия бўлимига мурожаат қилган.



ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ 12 СОАТ ИШ РЕЖИМИДА
ИШЛАГАН. РАҒБАТЛАНТИРИШГА КЕЛГАНДА ЭСА...

Мазкур мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам коронавирус инфекцияси билан туман қилинган ва касалланган беморларни даволаш мақсадида Беруний педагогика коллежида ташкил қилинган тиббий тақсिमлаш пунктида тиббиёт ходимлари кунига 12 соатлик иш режимида ишлаганлиги қарамасдан, бирлашма томонидан кунига 8 соатдан махсус тўлов ҳисобланиб, тўлаб берилганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сонли қарори билан тасдиқланган "Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларини тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, ходимларга иш ҳажмидан келиб чиқиб, кунбай ишлаш шароитига ўтказилган ҳолда ҳар 30 кунлик давр учун иш юкласини инобатга олган ҳолда ҳар ойлик иш фаолияти яқини бўйича врач ходимларга, врач-лаборантларга — 25 миллион сўм, бошқарув ва ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга — 15 миллион сўм, провизор-фармацевт ходимларга — 10 миллион сўм, дезинфектор ва

кичик тиббиёт ходимларига — 8 миллион сўм, бошқа ходимларга — 5 миллион сўм миқдорда (соликлардан ташқари) махсус тўлов белгиланган.

240 соатлик иш юкламаларини тўлик бажарган ходимларга ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган миқдорда махсус тўловлар тўланиши шарт.

Ходим томонидан 30 кун давомида бажарилган иш ҳажми белгиланган иш юклама меъёридан кам ёки кўп бўлган тақдирда, махсус тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш соатларида нисбатан мутаносиб равишда тўланиши кўрсатилган.

Туман адлия бўлими томонидан 47 нафар шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари манфаатини кўзлаб, махсус рағбатлантириш тўлов пулларини ҳақиқатда ишлаган соати бўйича тўлик ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига давво аризаси киритилди ва адлия аралашуви билан туман тиббиёт бирлашмасида ишлаган тиббиёт ходимларига жами 360 миллион 816 минг 476 сўм миқдорда махсус тўлов ундириш бўйича суднинг хал қилув қарори чиқарилди.

Салтанат РАИМБЕКОВА,
Беруний туман адлия бўлими бошлиги

ТОШКЕНТ



ФУҚАРОНИНГ ПЕНСИЯСИНИ ТИКЛАШ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНДИ?

ФУҚАРО Д.М. онаси М.Т.нинг 2020 йил сентябрь ойида тўхтатилган пенсиясини тиклашда амалий ёрдам сўраб pm.gov.uz сайти орқали йўллаган мурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Сергели туманида рўйхатда турувчи фуқаро М.Т.нинг пенсияси 2020 йилнинг июнь ойидан кетма-кет 3 ой давомида олинмаганлиги туфайли пенсия 2020 йилнинг сентябрь ойидан тўхтатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 172-бандига кўра, тайинланган пенсияни тўлаш бир қатор ҳолларда тўхтатилиши мумкин.

Пенсиянер хоржий давлатда бўлган ва соғлиғи туфайли Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг чет элди дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига пенсия тўловини тиклаш юзасидан мурожаат этиши мумкин ва хоржий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Ариза муаллифи онаси М.Т. Тожикистон Республикасида эканлигини, COVID-19 инфекциясига чалиниб соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли Ўзбекистонга келиш имконияти бўлмаганлиги, пенсияни олиш учун жорий йилнинг февраль

ойида унга ишончнома юборган бўлса-да, пенсия жамғармаси томонидан онасининг пенсияси тиклаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, уни тиклашда амалий ёрдам сўраган.


Юқорида қайд этилган Низомнинг 172-банди талабига кўра, фуқаро М.Т. Ўзбекистоннинг Тожикистондаги элчихонаси томонидан 2021 йил 3 июнда берилган маълумотномани тақдим этган бўлса-да, пенсияни тиклаш асосиз рад этилган.

Ҳолбуки, мазкур маълумотномада Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги элчихонаси томонидан фуқаро М.Т. Тожикистонда пенсия ва нафақа олмаётганлиги, ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмаётганлиги ҳамда коронавирусдан даволанаётганлигини тасдиқлаган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Пенсия жамғармасига киритилган тақдимномага асосан фуқаронинг 2020 йил сентябрь ойида тўхтатилган пенсияси тикланди ва тўланмай келган пенсия суммасини тўлаш октябрь ойи тўлов рўйхатига киритилди.

Мавлуда БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиги

БЮРОКРАТИЯ: ҚОҒОЗБОЗЛИК ИЛЛАТМИ?



КЕЙИНГИ пайтларда оташин шоир Владимир Маяковскийнинг қуйидаги машур сатрлари тез-тез ёдимизга тушади ҳам бўлиб қолди:

**“Бўридай ғажирдим бюрократизмни,
Ҳар хил мандатларга йўқ менда ихлос.
Қоғозбозликни йўқ кўргали кўзим,
Қуриб кетмайдими, ҳар қандай қоғоз...”**

Қоғозбозликни ёмон кўраемиз. Бюрократия-га тоқатимиз йўқ. Аммо... бюрократлар билан ёнма-ёнмиз. Қоғозбозликка тобемиз. Чунки ишимизни битиришимиз учун уларнинг юзига “оёқ боса олмаймиз”... Ҳамма бало ана шунда!

КОРРУПЦИЯ ВА БЮРОКРАТИЯ — ЭГИЗАК

Бюрократия қачон пайдо бўлганини билмаймиз, аммо у йилдан-йилга авж олиб, тобора кенгайиб, катталлашиб, жамиятнинг бошига чиқиб олганига барчамиз гувоҳимиз. Замон бюрократларни талтайтириб юборган ўтган асрнинг охирида қоғозбозлик шу даражага чиққан экани, раҳбарлик курсида ўтирган айрим амалдорлар беғоналар у ёқда турсин, хатто қабулдига келган ўз яқинларидан ҳам маълумотнома талаб қилиб, “Менинг ота-онам эканлигингиз ҳақида бир парча қоғоз — маълумотномангиз борми?”, — дегулик даражага етган эди. “Мансабга ўтирганидан кейин мен отангман-онангман, қариндош-уруғингман, амма-холангман, ошна-оғайнингман, деб келувчилар кўпаядигей...” — дегувчи хақиқий бюрократларни ҳам кўрганимиз.

Дарвоқе, бюрократия нима ўзи? Бюрократияга оддийгина таъриф беришимиз мумкин. Бюрократия — вақт ва асаблар кушандаси. У қайси кўринишда бўлмасин, барибир умрнинг эгони, тараққиётга гов. Бюрократия — коррупциянинг дояси. Чунки унда коррупция нафаси бор. Бюрократия ва коррупция — эгизак. Чунки бюрократия бор жойда албатта, коррупция бўлиши мумкин!

БЮРОКРАТИЯ ФОРМУЛАСИ

Масалан, ишга кирмоқчисиз дейлик. Бўш иш жойи борлигига қарамасдан, Сизни “эртага келинг, индинга келинг, у хужжат керак, бу хужжат керак”, деб сарсон қилаётган раҳбарга нима керак? Минг содда бўлсангиз ҳам дарров тушунасиз: “Йўли”ни қилиш керак, “одамини” топиш керак, шусиз иш битмайди...” деб “харакатингизни” қиласиз. Қарабсизки, оилар давомида битмаган ишингиз бир кунда битди. Амалдорлар қасрдан бойийди, деган саволга жавоб топгандек бўлаётганими? Мана, бу бюрократиянинг оддий формуласи.

Яна бир ҳолат кейинги йилларда тренда айланди: Туман, шаҳар

хокимларнинг фуқароларнинг у ёқни бу муаммоларини ечишга қаратилган қарорлари ҳоким имзолагандан кейин ҳам оилаб, керак бўлса, йиллаб бажарилмайди. Қўлида қарор билан изиллаб, идорама-идора юрган фуқаронинг иши қоғозда қолиб кетаверади. Яна сўнгги чора бор — пора. Қўраясизки, пора ҳокимнинг қароридан ҳам кучли. Ўз қарорининг “шу тахлитда” бажарилишини билиб-билмасликка олаётган ҳокимлар бюрократ эмас...ми?

Ундан ўтадиган бюрократия иллатлари ҳам бор. Улардан бири сифатида юртимизда бошпанга муҳтож, ногирон бор оилаларга уй-жой ажратиш борасидаги манзари айтиш мумкин.

Ана шундай имтиёзли квартира олиш учун навбатда турмоқчи бўлганларнинг кўпчилиги сарсон-саргардон. Бир неча йилдан буён тиббиёт ходими бўлиб ишлаётган аёл Навоий шаҳар ҳокимлигида тузилган комиссияга кўп йиллар мурожаат қилди. Ҳар йили талаб қилинган қоғозларни, ойлук маошлари тўғрисидаги маълумотларни, турмуш ўртоғининг ногирон эканлиги, учта фарзанди билан бир хонали ишчилар ётоқхонасида туриши тўғрисидаги хужжатларни комиссияга тақдим этган Санобар (ҳар аҳтимолга қарши исмини ўзгартирдик, лекин шаҳар комиссиясидаги валломатлар у аёлини жуда яқин танийди...) бир хил жавоб оладиган бўлди: “Бу йилга режалаштирилган уйлар қолмаганлиги учун, кейинги йили қайта мурожаат қилишингизни сўраймиз.” Орадан уч-тўрт йил ўтди. Бу орада учта ҳокимнинг ҳам жавоблари ва уй-жойга муҳтож оиллага бўлган муносабати яхши томонга ўзгармади. “Кейинги йили фалон ойда мурожаат қилишингиз мумкин”, деган ҳар йилги бир хил қилинган солинган жавоблар, охиригача нимагадир, тўғрироғи, Халқ қабулхонаси ва тахририятга мурожаат қилганидан сўнг бутунлай рад қилиш талаффузида — “Ойлик маошингиз талаб қилинган тўловга етмаслиги сабабли сизни уй-жой олиш учун рўйхатга қўйишингиз

имкони йўқ”, — деган жавобга айланди. Санобар катта заводда яхши маош олиб ишлагани, бундан ташқари, кизи ҳам яхши маош олишини, уй кредитини тўлашга бемалол имкониятлари борлигини “нимагадир” инobatга олмаган “нуфузли” комиссия бу оиладан кам даромад оладиган айрим фуқароларни рўйхатга киритди-ю, С.Носировларнинг оиласига рад жавобини берганини қандай баҳолаш мумкин? Республикаимизда эса, Санобарга ўхшаганлар минглаб топилади. Хуллас, уй-жой ҳамда меҳнат бозорларида бюрократиянинг “бозори” ҳамон чаккон.

ЎЗМИЗНИНГ БЮРОКРАТЛАР КАМЛИК ҚИЛГАНДЕК...

Ўзимизнинг бюрократлар етмаганидек, юртимизга қўшни республикалардан келиб ҳамкорлик қилмоқчи бўлган бюрократлар ҳам борлигини айтмайсизми? Бундай дейишимизга тўла асос бор. Масалан, қўшни давлатдан келиб банк фаолиятини юротаётган ишбилармонларнинг баъзи қонун-қоидалари бизнинг қонунларимизга эмас, ўзларнинг манфаатларига мосланган. Эшитгимиз барчага очик деб, сизни кўларини кўксига қўйиб қутиб олишди, аммо ишингизни бирор баҳона топиб, битирмасдан қуруқ қайтаришганида роса алам қилади. Банкдан кредит бермасликнинг юзта йўлини рўқча қилишди. Ўнга жойда ишлашингизу катта маош олишингиз ҳам уларга бир пул. Ҳеч бўлмаса, ёшингизни баҳона қилишди.

Ўзимизнинг банкларни-ку, гапирмасам ҳам бўлади. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” деган шир алақачон тескарилик амак қилапти. Кредит олам, десангиз югур-югурдан тинкангиз қуригани қолади. Энди ҳамма хужжатларни йиғиб, папкани семиртириб берганингизда ажратилган лимит тугаб қолди, энди янаги йилга ҳаракат қиласиз, хужжатларни бошқатдан тайёрлайсиз, дейишди “бағрикенг” банкирлар. Янаги йил ҳам сиздан чаккон, сиздан олғирлар “ҳаракат”ни қилса, сиз яна чувчарани хом санаб қолаверасиз. Мен бу ҳолатни ўз бошимдан ўтказмаганимда ёзмасдим.

32 МИЛЛИОН СЎМЛИК СИГИР ОЛАСИМИ?

Мабодо, кредит олиш насиб қилиб қолса, дарров дўшпингизни осмонга отманг. Шошилманг! Кредит ўйинлари энди бошланган. Масалан, ҳозирги кунда чорвачиликни ривожлантириш учун кредит ажратишдаги “ўйин”ларни олайлик. Чорва моллари сотиб олиш учун фалон фойзга кредит оласиз, (эхх, уни олгунча она сутингиз оғзингизга қелиши аниқ) кредит қўлингизга тегмасдан пул маблағи қўшни давлатга ўтказилади ва қўш-

ни республикадан ҳар бир сигир учун 32 миллион сўм ҳисобланиб, кредитингизни “ютиб” юборишди. Қошки, олинган қора молларнинг тани-жони соғ ва вази ниқликкек бўлса... Вахоланки, бу сигирлар кўнга бормаяпти. Нега кредит олган тadbirkорнинг ўзи қасрдан мол олишни хал қилишга йўл қўйилмайди? Бу тўсиқ ҳам бюрократларнинг нағмаси эканлиги аниқ. Товба! 32 миллионга битта сигир сотиб оладиган давлатимизда айб ёки битта оррик-қиррик сигирини шунча пулга сотаётган қўшни давлатда айб? Ким айбдор?! Буёғи ўзингизга ҳавола.

Нима, чорвачиликни ривожлантиришга ўзимизнинг аклимиз етмайди? Ахир машур қоракўл териларини етиштириш бўйича бутун жаҳонга машур бизнинг юртимиз чорвадорлари эмасми? Ёки қўшни давлатдан келадиган сигирларнинг шохни олгинданми? Хуллас, гап кўп...

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

Хайрият, 2015 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унинг мақсади электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Электрон ҳукумат — бу тизим давлат тузилмаларини бошқаришни, давлат ва тadbirkорлар ўртасидаги алоқани мустақамлаш орқали бизнес-жараёнларни самарали ривожлантиришни таъминлабгина қолмай, фуқароларга давлат хизматларини интернет орқали ҳаммабоб интерактив шаклда тақдим этиш имконини ҳам яратди.

Кечагина ҳисоботлар ва бошқа турли маълумотномалар учун бир эмас, бир неча хил шаклдаги бланкалар мавжудлигини кўпчилигимиз жуда яхши эслаймиз. Қилинган битта иш ўнга жадвалга солинарди. Қанча қоғоз, қанча қимматли вақт беҳуда сарфланарди. Гарчи, улардан бутунлай воз кечишга эришилмаган бўлса-да, ҳар ҳолда бу йўлда ижобий натижалар бор.

ҲОҚИМЛИКЛАРНИНГ АЙРИМ ВАКОЛАТИ ҚИСКАРДИ, АММО БЮРОКРАТИЯ ҲАМОН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлат бошқаруви самардорлигини ошириш ва фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида 2019 йил 9 декабрда “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларни фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-таdbirkорлари тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор билан 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ай-

рим ваколатлари чиқариб ташланди.

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида хужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда амалга оширилмоқда. Барча давлат хизматчилари ва раҳбарлар электрон имзога ога бўлди.

Буларнинг барчаси, албатта, бюрократик тўсиқларни барта-раф этишга қаратилган. Аммо шу ўринда баъзи муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазаларимиз ҳам бор. Кўпчилик электрон имзо олди. Авваллари қоғозда ёзадиган оддий аризани ҳам бутун электрон тарзда ёзаямиз. Бу, албатта, яхши ва халқаро стандартга мос келади. Лекин айрим давлат ташкилотларида электрон менежмент тизими барча ходимлар учун ҳам очик эмаслиги электрон имзо билан ишлаш режими-га тўсиқлик қилапти. Масалан, кимдир меҳнат таътилига чиқмоқчи бўлса, албатта, аризани расмий-лаштириш учун ана шу тизимга уланган ходимни безовта қилишга тўғри келмоқда. Буниси эса, халқаро стандартга мутлақо ётдири.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНЯПТИ

Сўнгги йилларда рақамли технологияларнинг ривожланиши туфайли электрон хужжат алмашинуви ташкилотлар ишига ҳам, оддий фуқаролар ҳаётига ҳам фаол кириб бормоқда. Бу бошқарув жараёнини оптималлаштириш орқали меҳнат самардорлигини ошириш, коррупциянинг олдини олиш, ресурсларни тежашга ёрдам бермоқда.

Бугун ягона интерактив давлат хизматлари орқали қўллаб оммабоб хизматлар кўрсатилаётгани билан мактансак арийдим. Бир пайтлар болалар боғчасига боламизни жойлаштириш учун ҳушча мудираликка эъҳе, қанча хушомад қилардик. Қуруғидан, ҳўлидан дегандек... совга-саломларни гапирмасам ҳам бўлади...

Бугун биргина болалар боғчаси масаласида эмас, электрон хужжат алмашинуви туфайли жуда қўллаб ижобий натижаларга эришдик. Масалан, кредит тарихини олиш, электрон қалит олиш, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ваероғи ҳолати, болани боғчага жойлаштириш навбатини текшириш, яшаш жойида доимий рўйхатга туриш, шахсий уй-жой манзил, шахсий уй-жойи бор-йўқлиги тўғрисида маълумотнома, никоҳ тўғрисидаги маълумотнома, пенсия ҳақида маълумот олиш, кадастр паспортини шакллантириш каби хизматлар фуқаролар жонига оро кирмоқда. Энг муҳими, бюрократия ва коррупция бу тизимга қўзини олайтира олмайди...

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Исон ва қонун” мухбири

Қимматга тушган "ДАРОМАД"

ТАДБИРКОРЛИККА тобора кенг йўл очилаётган юртимизда бугун ҳамма тadbirkор. Кимдир банкдан кредит олиб, савдо-сотиқни ривожлантирса, яна кимдир кичик корхона очиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга бел боғлади. Қурилиш дейсизми, хусусий мактабгача таълим муассасасими, ҳатто хусусий мактаблар, шифохоналари, қўйиники, барча соҳада ишбилармонларнинг улуши бор.

Хуллас, тadbirkорликнинг қирралари кўп. Кейинги йилларда иссиқхоналар чунонам кўпайди. Ишбилармонларнинг кўпчилиги бу ишнинг ҳадисини олишти. Қандини урсин, топганига барака берсин! Ахир, рўзгор бут, юрт фаровон, дастурхон тўкин-сочиқлиги нима етсин. Ҳимиздан ортганини четга экспорт қилиш ҳам қони фойда. Миллионлаб даромад кўриш яхши, албатта. Аммо... ноқонуний йўл билан топишган бойликнинг ҳосияти йўқлигини одамлар пешонаси деворга тегса ҳам, тан олмаётганлиги ёмон. Хуфийна ишлар Аллоҳқа ҳам хуш ёқмайди. Одамзоднинг барча топгани ҳавога соғурилиши, эртага бор-будидан бир лаҳзада айрилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Асқар Мардонов (исм-шарифлар

ўзгартирилган) ҳам фойда кўраман, деб ҳамёнидан айрилганлардан.

Халқимизда "Оғзи куйган катикни ҳам пуфлаб ичади" деган мақол бор. Аммо "қахрамонимиз" нимагадир бу мақолни менсимган ёки унга амал қилишни унутган. Аввал бир эмас, икки марта айнан шу қонунбузарлиги учун судланган бўлишига, қондабузарга ҳар гал базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баробари миқдорда жарима жазоси тайинланганлигига қарамадан, учинчи бор худди шундай жиноятни такрорлаши билан "қўлга тушган". Ҳўрганган одати ўз бошига бало бўлган тadbirkор бу гал ёмон "тушди".

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очик сайёр суд мажлисида А.Мардоновнинг

жиноий иши кўриб чиқилди.

Судланувчи А.Мардонов назорат қилинмайдиган даромад кўриш ва ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Табиий газдан фойдаланиш қоидалари" талабларига зид равишда иш қилди. Навоий шаҳрида жойлашган "Асилбек Лобар" масъулияти чекланган жамияти худудида жойлашган иссиқхонада 2020 йилнинг декабрь ойида табиий газдан фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширишда, жамиятга қарашли иссиқхона томонидан табиий газни

ҳисобга олиш учун ўрнатилган газ ҳисоблаш ускунасининг кўрсаткичларини камайтириш мақсадида қувурларнинг уланиш жойини очиб, ўзбошимчилик билан фойдаланиб келиниши натижасида "Худудга Навоий" газ таъминоти филиали манфаатига 188 миллион 263 минг сўм миқдорда зарар етказилганлиги аниқланган.

Масъулияти чекланган жамият раҳбари А. Мардонов Навоий вилоят "Худудга таъминот" бўлими ходимлари томонидан 2020 йилнинг 9 декабрь куни қарздорлиги боис оғохлантирилганлиги ва иссиқхонага газ таъминотидаги ўчирилганлиги қарамадан, "маҳсулотларим увол бўлмасин, газни ўчирманглар", деб газчиларга қилган илтимослари қор қилмагач, текширувчи ходимлар

кетганидан сўнг маҳсулотларини совуқдан асраш учун иссиқхонага тамгани бузиб, газни улаб, қатта хато қилганлигини афсуски, кеч ағлади. Иссиқхонага "текин" газ улаб олиши унга қимматга тушди.

Суд томонидан А.Мардоновга қилмишига яраша — икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Унинг зиммасига озодликни чеклаш жазосини ўташи давомида "Худудга Навоий" газ таъминоти филиали фойдасига 188 миллион 263 минг сўми 6 ой мобайнида қоплаш мажбурияти юклатилди.

Шерзод МАМИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди раиси,
Маруся ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Уни гўзал ва файзли қилиб ўтказиш ҳам, жаҳолат ботқоғига ботиб, издан чиқариш ҳам ўз қўлимизда.

10 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИГА "БАҲОЛАНГАН" ГўДАК

Фуқаро Шарофат Назарова (исм-фамилия ўзгартирилган) эса ношукрлик қилиб, гуноҳга ботди — жиноятга қўл урди.

Гап шундаки, Шарофат икки йилча аввал Расул исмли шахснинг Тошкент шаҳар Ибн Сино массивидаги иссиқхонасида ишлаб юрган. 2020 йилда иккинчи ўғил фарзанди туғилади. Бирок фарзандларни боқишга Шарофатнинг имконияти йўқ эди. Шу боис, Расул унга маслаҳат беради.

— Болангнинг биттасини бирор қишига бериб юбор, кўриб турирман, жуда қийналайсан. Бир танишимнинг фарзанди йўқ. Ушанга берсанг, ўзи қатта қилади, — дейди. Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин эса, Шарофатнинг телефони жиринглайди.

— Расул ака рақамингизни берувди, — дея ўзини таништиради Мухаббат исми аёл. — Икки ўғил фарзандингиз бор экан. Боқинга қийналайиб қолмайсиз. Агар ўғлингизнинг биттасини менга берсангиз, ўзим боқиб қатта қилардим. Опа-сингли бўлиб қоламиз.

Уша кунлари Шарофат жуда қийин аҳволга тушган эди. Ижарада яшаб турган уйдан чиқариб юборишди. Тошкент вилояти Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғинидан излай-излай, яшашга бир хонадон топди. Мухаббат эса унга ёрдам тариқасида ижара ҳақини гўлайдиган бўлди. Шу тариқа орадан бир ой ўтиб, Мухаббат нотаниш бир йигит билан Шарофатнинг олдига келди.

— Синглим, — деди йигит. — Қийналаётган экансиз, кичкина ўғлингизни менга берсанг. Уни тарбиялаб, воёга етказаман. Ўқи-

таман, яхши қарайман.

Йигит қайта-қайта илтимос қилди.

— Йўқ, шундай бермайман. Мен ҳам уй-жой қилишим керак. Ўғлимни сизга бериб, бир хонали бўлса ҳам уй оламан, — деди аёл данглига.

— Уша бир хонали уй қанча экан, — деб сўради йигит.
— Назарбекда уйнинг нархи ўн минг доллар экан. Агар уй олиб, менинг номимга ўтказиб берсангиз, иккинчи боламини сизга беришим мумкин.

Хуллас, етти ойлик гўдак 10.000 АҚШ долларига "баҳоланди". Сўнгра 2021 йил 23 март куни Ш.Назарова фарзанди эвазига 10.000 АҚШ долларини олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. Оқибатда эса унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Суд судланувчи Шарофат Назаровага жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Ўз жигарбандини сотган аёл 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда бир аёлнинг жазога тортилиши эмас, балки нега шундай қабих ишга қўл ургани кишини ўйга толдиради. Бунга сабаб моддий қийинчиликми?

Йўқ, албатта. Назаримизда, гап моддий масалада эмас, маънавий ожизликда.

Баҳром ТОНШЎЛАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Янгиҳаёт туман суди раиси

СўНГИ йилларда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан тadbirkорлик фаолиятини ривожлантириш, тadbirkорларнинг ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аммо бу имкониятларнинг қадрига етиш ўрнига нафс майлига алданиб, қонуни менсимайтган "уддаброн" тadbirkорлар онда-сонда бўлса-да учраб қоляпти.



Бу тоифага Фарғона шаҳридаги "Fargona obı hayot" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Соли Абидов, Учқўприк туманидаги "Elite building" МЧЖ раҳбари Бурхонжон Нуъмонов, Бувайда туманидаги "Tsk monolit" МЧЖ раҳбари Холматов Холмжонларни қиритиш мумкин.

Гап шундаки, С.Абидов буюртмачи "Сув таъминоти ва оқса сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси билан ўзи раҳбарлик қилиб келаётган "Fargona obı hayot" МЧЖ ўртасида пудрат шартномасини тузади. Сўнгра шартнома асосида вилоятнинг туман ва шаҳарларида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳужжатларига амалда бажарилмаган 185 миллион 538 минг 214 сўм қийматдаги хизматларни қўшиб ёзиб, сохталаштиригач, уларни тўловга тақдим қилган ҳолда ана шу бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Худди

шундай 2 та пудрат шартномаси унитар корхона ва Бурхонжон Нуъмонов раҳбарлигидаги "Elite building" МЧЖ ўртасида ҳам имзоланди. Унга мувофиқ, тadbirkор Учқўприк туманидаги "Сарикўрғон" маҳалласи ҳамда Ўзбекистон туманининг "Қулибек" маҳалласида ичимлик сув тизимида қуриш ишларини бажариши лозим эди. Шундай бўлган ҳам. Бирок Б.Нуъмонов амалда бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш орқали ҳужжатларни сохталаштириб, "Сарикўрғон" да 8 миллион 688 минг 029 сўм, "Қулибек" да 61 миллион 897 минг 640 сўм миқдордаги маблағни ўмарган. "Tsk monolit" МЧЖ раҳбари Х.Холматов эса юқоридаги усул билан 105 миллион 848 минг 104 сўм бюджет маблағларини ўзлаштирибди.

Буни қарангки, "Ўзтемирўлқуришмонтаж" унитар корхонасида техник назоратчи бўлиб ишловчи Ҳалимжон Турдиқулов ҳам ғайриқонуний равишда ўз ваколатидан фойдаланиб қолади. Яъни,


у 2018 йилда "Сув таъминоти ва оқса сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси ва "Ўзтемирўлқуришмонтаж" унитар корхонаси ўртасида имзоланган шартномаларга биноан Бешарик ва Олтиариқ туманларида амалга ошириладиган сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг тўғри ҳамда сифатли бажарилишини назорат қилиш учун бош пудратчининг вақили сифатида бириктирилади. Лекин шартномада кўрсатилган ишларни ёрдамчи пудратчи сифатида ўзи бажаришни мақсад қилади. Шу боис, Ўғли Ҳамид Абдуллаевнинг номига "Абдуллаев Ҳамид" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, бош пудратчи билан ёрдамчи пудрат шартномасини тузади. Пиёровларда Бешарик туманининг "Batan" ва "Олмазор" маҳаллалари, "Янги қишлоқ" қишлоғи, Олтиариқ тумани "Бешковок" аҳоли массивида шартномадаги ишларни бажаради. Бу хусусдаги далолатномаларга бўлса амалда бажарилмаган 145 миллион 213 минг 855 сўмлик ишларни қўшиб ёзади. Аммо кингир ишнинг қийини барибир ошкор бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди.

Албатта, тўрттала шахснинг жиноят ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан фош этилди. Оқибатда уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бешарик туман суди эса, айбдорларни Жиноят кодексининг 167 ва 228-моддаларининг тегишли қисми ҳамда бандлари билан айбдор деб топиб, қонуний ҳазога маҳрум этди.

Фурқатжон СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бешарик туман суди раиси,
Хуррид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ДАРДГА ДАРМОН ШИФОКОРЛАР

КЕЙИНГИ йилларда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида ислохотлар дадиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, болалар кардиохирургияси, буйрак ва жигар трансплантациясидаги янгилıklar ҳам ривожланган мамлакатлар медицинаси даражасига етказилмоқда.



Ўзимизнинг мутахассислар ҳам хорижлик шифокорлардан қолишмайдиган даражада бу ишга бор билими билан киришишмоқда. Шифокорларимиз инсоннинг энг нозик аъзолари, яъни буйрак, жигар трансплантацияси борасидаги жарроҳлик амалиётларини ҳам муваффақиятли ўтказишмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан тиббиётнинг бу йўналишига алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда нафақат Тошкентда, балки Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида, айрим шаҳар ва туманларида ҳам буйрак ва жигар трансплантацияси марказлари очилиб, уларда даволаш ва жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Яқинда биз Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлдик. Бош шифокор Лутфилло Махманов билан учрашиб, ушбу тиббиёт масканида иш бошлаган янги марказ фаолияти ҳақида гаплашдик.

— Юртбошимиз ватандошларимизнинг соғлиғи, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида қайғуриб, хайрли қарор қабул қилдилар, — деб гап бошлади суҳбатдошимиз. — Қатор йиллардан буён буйрак касалликларига чалинган беморлар ўз соғлиғини тиклаш учун катта маблағ эвазига хориж мамлакатларига бориб жарроҳлик амалиётини ўтказишарди. Ачинарлиси шундаки, бемор сарсон-саргардон бўларди. Бу қийинчиликлар беморлар, уларнинг яқинларининг тинка-мадорини қуритарди. Энг ёмони, шунча сарф-харажат қилиб, катта маблағ эвазига жарроҳлик амалиётини ўтат келган беморларнинг келгуси тақдири билан хорижликлар қизиқшмас эди. Бундан ташқари, мамлакатда илгари ушбу жарроҳлик операцияси фақат Тошкентда амалга оширилар эди. Бу дардга чалинган беморлар эса, йиллаб навбат кутиб, ўз дардига даво тополмай, қийналиб яшар эди.

Энди эса мамлакатимизнинг қолган вилоятлари ҳамда шаҳар ва туманларда махсус марказлар очилади. Энг муҳими, беморларга сарсон бўлмай, ўзи яшаётган вилоятда даволаниш имконияти яратилади. Ўтказилган жарроҳлик амалиётлари ҳам хорижникидан кўра ўн қарра арзон ва кафолатли бўлиши таъминланади. Сабаби, беморлар жарроҳлик амалиётидан кейин уч ой мобайнида бевосита шифокорлар назоратида бўлишади. Бу эса, уларнинг соғлом турмуш кечиришлари учун катта мадад ва ғамхўрлик кўрсатилади, деганидир. Бизнесинг вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказимиз қошида буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилиши зарур беморларни даволаш ва жарроҳлик ўтказиш учун вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг Ангиохирургия ва трансплантация бўлими ташкил этилди. Янги ташкил этилган бўлим бугунги замон талабига мос тарзда капитал таъмирдан чиқарилди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жарроҳлик амалиётини амалга ошириш учун хориждан энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари, тиббий асбоб-анжомлар олиб келинди. Энг замонавий ташхис қўйиш аппаратлари ўрнатилди. Яқинда кўп йиллардан буён навбатда турган дастлабки уч бемор янги бўлимда муваффақиятли операция қилинди. Бўлим фаолиятини янада жонлаштириш, уни малакали мутахассислар билан бойитиш учун яқинда давлат бюджети ҳисобидан бир неча шифокорлар Москва шаҳридаги Транспланталогия марказига ўқиш ва тажриба алмашиш учун юборилади.



— Шифокорларга минг раҳмат, фарзандим шу дардга чалингандан кейин саросимадан тушиб қолгандим, — дейди Иштихон туманидаги Охунбоев номли маҳаллада яшовчи Санобар Худайрова. — Бу оғир дарддан халос бўлиш осон эмаслигини, даво топиш учун катта маблағ эвазига хорижга бориш кераклигини кўпчилик айтди. Кўзимга дунё тор кўриниб кетди ўша маҳалда. Оилавий шароитимиз йўқ, қўлимиз калта, бошқача айтганда, осмон баланд, ер қаттиқ. Жами қариндошлар йиғилиб ҳам 20-30 минг АҚШ долларини қаердан топардиқ. Ҳатто, Тошкентга бориб даволатишнинг ҳам имкони йўқ эди бизда. Буни қарангки, боламнинг бахтига Юртбошимизнинг ўзи савобли ишни бошлади. Бу янгиликдан қанча хурсанд бўлганимизни билмайсиз. Яқинда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг Ангиохирургия ва Трансплантация марказида ўғлим Шерзод Болиев операция қилинди. Мен донорлик қилдим. Битта буйрагимни ўғлимга бердим. Яратганга минг шукурки, операция яхши ўтди. Болам кўп йиллик дардидан халос бўлди. Менинг ҳам саломатлигим яхши.

— Саломатлик учун қаердан бўлса ҳам пул топиб, даволансам, деймиз. Ўзимизнинг шифокорларнинг ҳам хорижликлардан кам жойи йўқ экан, — дейди Пастдарғом туманида истикомат қилувчи Шохиди Салимова. — Қизим Шохсанам Шоназарова кўп йиллардан буён шу дардга чалиниб, қийналарди. Уни чет элда даволатишга имкониятимиз йўқ эди. Тошкентга боришга ҳам имкониятимиз бўлмади. Онаман, ҳар куни боламнинг аҳволини кўриб, қийналардим. Касал касал эмас, касалга қараган касал. Қизимнинг аҳволини кўриб, ҳар куни минг ўлиб, минг тирилардим. Ўзимдан ўтгани ўзимга аён. Худого шукур, боламнинг бахти бор экан. Ўзимизни вилоятда янги марказ очилди. Катта сарф-харажатлардан, сарсон-

гарчиликдан қутулдик. Йўл азобини айтмайсизми! Энг муҳими, бемор қизимни уринтирмайгина даволайдиган бўлдик. Қизимга ўзим донорлик қилдим. Битта буйрагимни боламга бердим. Яратганга беҳисоб шукур, операция яхши ўтди. Қизим Шохиста жуда хурсанд. Соғ-саломат, кўп йиллик дардидан халос бўлди. Шифокорларга минг раҳмат. Қўллари дард кўрмасин, умрларидан барака топишсин. Ангиохирургия ва трансплантация бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди, қизимнинг шифокори Шерали Норқўзиёвни бир умр дуо қиламан. Операцияда қатнашган врачларга, ҳамшираларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Оналарнинг дуоси ижобат бўлади, дейишади. Оқ халатли саломатлигимиз жонқуярларнинг ниятлари ҳам, кўнгли ҳам ўзларига ярашиб турган либосларидек оппоқ, покиза. Марказда бўлган кунимиз саломатлигимиз фидойилари билан тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ва қилиниши керак бўлган эзгу ишлар ҳақида суҳбатлашдик. Улар бор меҳрини аямай, касбини дилдан севиб, беморларнинг дардига шифо бўлишмоқда. Болалар Кардиохирургияси буйрак ва жигар трансплантацияси Маркази филиаллари нафақат Самарқанд шаҳри, балки Каттақўрғон шаҳрида, Ургут ҳамда Иштихон туманларида ҳам очилмоқда. Юртдошларимизнинг оғири энгил бўлмоқда. Кўп йиллик дардидан халос бўлган беморлар ҳам соғлом ҳаётга қайтиб, сафимизга қўшилишни ният қилганини мамнунияти билан айтишди. Беморларнинг дардига дармон, орзуларига қанот бўлаётган шифокорларимиз соғ-омон бўлишсин!

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Инсон
ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳусурий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир

Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқолов Ақбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фуқрат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўпмазалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруза Ҳосилова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожиёв

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уюнда чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000
Буюртма — V-4863

Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 00:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

ЭНГ ЧУҚУР ТУННЕЛЛАР



ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД ДАРАХТЛАР

ЭЙКСУНН ТУННЕЛИ (НОРВЕГИЯ)

НОРВЕГИЯДАГИ Эйксунн автомобиль туннели Мёре-о-Румсдал вилоятида жойлашган ва Харейдландет оролини (Эйксунн шаҳри) мамлакатнинг қитъадаги қисми (Ръянес шаҳри) билан боғлайди. У Вартдалс-фьорд туби орқали денгиз сатҳидан 287 метр чуқурликдан ўтган ва айна вақтда дунёдаги сув остидан ўтувчи энг чуқур жойлашган туннель ҳисобланади. Унинг узунлиги 7,8 километри ташкил қилади. Туннель қурилиши 2003 йилда бошланган ва 123 млн. еврога айланган. Туннель бўйлаб қатнов 2008 йил февралда очилган. Туннельдан 25 минг киши фойдаланади.

СЭЙКАН ТУННЕЛИ (ЯПОНИЯ)

Сэйкан туннели Япониянинг Хонсю ва Хоккайдо ороллари Сангар бўғози остидан боғлайди. Унинг умумий узунлиги 53,85 км.ни, сув ости қисми эса 23,3 км.ни ташкил қилади. Йўллар сув тубидан 100 метр ва денгиз сатҳидан 240 метр чуқурликдан ўтади. Туннель қурилиши 1964 йилдан 1988 йилгача давом этган ва 1988 йил 13 мартда очилган. Туннель қурилиши 5,4 млрд. долларни ташкил қилган.

ЛА-МАНШ ТАГИДАН ЎТУВЧИ ЕВРОТОННЕЛ (ФРАНЦИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ)

Евротоннель Ла-Манш бўғози остидан ўтувчи ва Буюк Британияни Европанинг қитъа қисми билан боғловчи темир йўл туннели. Унинг узунлиги 51 километри ташкил қилиб, шундан 39 километри сув остига тўғри келади. Туннельнинг энг


қуёи нуқтаси денгиз сатҳидан 126 метр чуқурликда жойлашган. 1986 йилда Франция ва Буюк Британия ҳукуматлари туннель қуриш ҳақидаги келишувни имзолашган. 1987 йил 1 декабрда эса, туннельни бурғилаш бошланган ва у 7 йилда қуриб битказилган. Лойиҳа қиймати 15 млрд. долларни ташкил этган туннель 1994 йил 6 майда тантанали равишда очилган. Туннель поездлар учун иккита рельсли туннель ва битта хизмат кўрсатиш ва фавқулодда вазиятда одамларни эвакуация қилиш учун қўшимча туннельдан иборат. Туннель орқали йилига ўртача 20 млн. киши ҳаракатланади.



АҚШда Секвойя дарахтлари миллий рамз, асрий гурурлардан бири ҳисобланади. Чероке хиндуларининг етакчиси Секвойе шарафига номланган бу дарахтлар шу қадар эъзозланадики, улар ёнига келган сайёҳлар қатъий назоратда туришади. Кучли ўнликка кирган бу дарахтлар Калифорния штатида ўсади.

Редвуд-Крик дарёси бўйида кўкка буй чўзган, баландлиги 114,58 метр бўлган Гелиосдан номли дарахт 2006 йилгача энг баланд дарахт саналган. Лекин ўша йили "тахт"ни бўшатишга мажбур бўлган. Яъни, 2006 йилнинг 25 августда Гелиосдан етакчиллиги тортиб олган секвойя номи Гиперион. У сайёрамиздаги энг баланд дарахт бўлиб, Редвуд-Крик дарёсининг нариги томонида ўсади. Унинг баландлиги 115,61 метр, диаметри эса 4,84 метрни ташкил қилади. Туристларнинг катта оқими зарар етказиши инобатта олиниб, дарахтнинг аниқ жойи кўрсатилмаган.

Дарвоқе, дарахтлар мунтазам ўсиб тургани учун рейтингда ҳам ўзгаришлар бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.



Дунёнинг энг машхур кутубхоналари

Конгресс кутубхонаси — бу шубҳасиз, дунёдаги энг машхур ва энг катта кутубхона ҳисобланиб, бу асосан Америка Қўшма Штатлари миллий кутубхонасидир. У шунингдек, мамлакатдаги энг қадимий федерал маданий муассасадир ва 32 миллиондан ортиқ китоблар ва 61 миллион қўлёзмалар ҳамда кўплаб ноёб, тарихий ҳужжатларга эга.

Бодлеан кутубхонаси — Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу кутубхона Европадаги энг қадимги кутубхоналардан бири ва у 1602 йилда ташкил топган.

Ватикан кутубхонаси — 1475 йилда ташкил топган бўлиб, бу дунёдаги энг қадимий кутубхоналардан биридир. Унда Библиянинг энг қадимий тўлиқ қўлёзмаси ва бир миллиондан ортиқ бошқа турдаги китоблар бор.

Бостон жамоат кутубхонаси — 1848 йилда ташкил этилган бўлиб, бу Америкадаги машхур кутубхона ҳисобланади ва у 22 миллиондан ортиқ ноёб китобларни ўз ичига олган.



ДАРАХТЛАРГА ТУРМУШГА ЧИҚҚАН АЁЛЛАР

Британияда 70 та аёл дарахтларга турмушга чиқишибди.

Нега дейсизми? Бристол шаҳрининг маҳаллий ҳокимият вакиллари дарахтларни кесиб, ўрнига 166 та уй қурмоқчи бўлган экан, уларни сақлаб қолиш учун аёллар шундай йўл татишибди.

АРМИЯСИ ЙЎҚ ДАВЛАТЛАР

ВАТИКАН

Ватикан ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Италия пойтахти Рим ҳудудида жойлашган ушбу митти давлат 1964 йилдан бери БМТда кузатувчи мақомига эга. 1970 йилгача Ватиканда тўрт турдаги қуролли кучлар мавжуд эди. Бироқ папа Павел VI ислоҳот ўтказиб, фақатгина Швейцария гвардиясини қолдирди. Айнан шу гвардия папани қўриқлаш билан шуғулланади. 2002 йилда Иоанн Павел II жандармерияни тиклади. Лекин у полиция вазифини бажаради ва қуролли кучлар таркибига кирмайди.

НАУРУ РЕСПУБЛИКАСИ

Тахминан 14 минг аҳолига эга Науру Республикаси Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган. Қизиғи, ушбу орол-давлатнинг расмий пойтахти йўқ. Науру 1968 йили мустақилликка эришган, 1999 йилда эса БМТга

қабул қилинган. Науру давлатини ҳимоя қилишни Австралия ўз зиммасига олган. 1940 йили Германия оролга ҳужум қилганида, австралияликлар кўмакка келган.

ЛИХТЕНШТЕЙН

Пойтахти Вадуц шаҳри бўлган Марказий Европадаги бу давлат Австрия ва Швейцария билан чегарадош. Бу ерда конституцион монархия ўрнатилган. Аҳолиси 36,5 минг атрофида.

Лихтенштейн 1868 йилда қуролли кучлардан воз кечган. Гарчи, ҳеч бир давлат Лихтенштейн мудофаасини расман ўз зиммасига олмаган бўлса-да, князлик ҳукумати Швейцарияда ўтказилган музокаралар чоғида бир қатор давлатлар билан бу борада битимлар имзоланганлигини таъкидлайди.

МАРШАЛЛ ОРОЛЛАРИ

Тинч океанида жойлашган бу

давлатнинг пойтахти Мажуро шаҳридир. 2008 йилги маълумотга қараганда, бир қанча кичик ороллардан иборат мазкур мамлакатда 63,1 минг киши истиқомат қилади. Маршалл ороллари ҳимоя қилиш АҚШнинг зиммасида. Ички тартибни эса полиция сақлаб туради.

ГРЕНАДА

Кариб денгизининг жануби-шарқида жойлашган орол-давлат, аҳолиси 108 минг атрофида (2010 й.). Гренада 1974 йили Британия мустамлакасидан озод бўлган. Мустақилликнинг илк йилларида қуролли кучларига эга эмас эди, чунки унинг мудофааси Буюк Британия зиммасида бўлган. 1979 йилга инқилобдан кейин қуролли кучлар ташкил этилди, аммо 1983 йилда АҚШнинг кириб келиши билан тарқатиб юборилди. Зарур ҳолларда Гренада хавфсизлигини таъминлаш учун

АҚШдан ёрдам олади.

АНДОРРА

Франция ва Испания ўртасида жойлашган князлик, аҳолиси 84 минг атрофида. Андоррада биринчи ва ягона университет 1997 йилда очилган. Ушбу митти давлатнинг ҳимояси билан Франция ва Испания шуғулланади.

ПАЛАУ

Қарийб 21 минг аҳолига эга Палау давлати Тинч океанида жойлашган бўлиб, 328 та оролдан иборатдир. Палауда на сиёсий партиялар, на қуролли кучлар бор. 1983 йилдаги келишувга мувофиқ Палаунинг мудофааси АҚШнинг зиммасида.

САМОА

Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган бу давлат Самоа архипелагининг ғарбий қисмини банд қилган. Пойтахти Апиа шаҳри Улолу оролида жойлашган.

Аҳолиси — 188 минг киши.

Қуролли кучлардан маҳрум Самоа Янги Зеландия билан но-расмий ҳарбий алоқаларга эга.

КОСТА-РИКА

4,5 миллион аҳоли яшайдиган Коста-Рика Марказий Американинг энг кичик давлатларидан бири ҳисобланади. У 1502 йилда Христофор Колумб томонидан кашф қилинган.

1949 йилда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ тинчлик пайтларида Коста-Рикада армия сақлаш мумкин эмас. Зарур ҳолларда АҚШ ёрдам кўрсатади.

СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ

992 та оролдан иборат ушбу давлат Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Аҳолиси — 478 минг киши.

Соломон оролларида хавфсизлигини таъминлашга тўғри келиб қолса, асосий ёрдамни Австралия беради.